

**ТИББИЙ ХОДИМЛАРНИ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
МАРКАЗИ**

**ОЛИМЛАР КЕНГАШИНИНГ  
295 –СОНЛИ МАЖЛИСИ қарорлари  
( онлайн режимда ўтказилган)**

**26 июнь 2020 йил**

**Тошкент шаҳри**

**Қатнашдилар: Раис – проф. Х.А.Акилов ва 77 та кенгаш  
аъзолари**

**Котиба – доц. Гулямова М.К.**

**Олимлар кенгаши мажлиси онлайн режимда ZOOM  
платформаси ёрдамида ўтказилди.**

**Кун тартиби**

**1.Институтда 2019-2020 йй олиб борилган ўқув ва услубий  
ишлар ҳисоботи.Ўқув ишлари бўйича проректор, т.ф.д.  
проф.Касимова М.С.**

**2.Ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан 2019-2020 йй.  
амалга оширилган ишлар ҳисоботи. Ички назорат ва  
мониторинг бўлим бошлиғи Салиходжаева Р.К.**

**3.Турли масалалар.**

**I. Олимлар кенгаши ўқув ишлари бўйича проректор,  
профессор М.С. Касимованинг маърузасини тинглаб, қарор  
қилди:**

**1. Институтда жорий ўқув йилида олиб борилган ишлар қониқарли  
деб топилсин.**

**2. Институтнинг масофавий ва интеграллашган ўқитишга  
йўналтирилган инновацион усулларига ўтиш модели тасдиқлансин.**

**3. Соғлиқни сақлаш вазирининг 160-сон буйруғи қабул қилиниб,  
ушбу буйруққа мувофиқ институтнинг услубий ва ўқув  
материалларига маҳаллий норматив ҳужжатларга ўзгартириш ва  
қўшимчалар киритиш учун қабул қилинсин.**

4. Вазирлар Маҳкамасининг амалдаги ВМҚ № 319 ўрнига янги ишлаб чиқилган қарор лойиҳасини қайта кўриб чиқиш, ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб 10 кун ичида таклифлар киритиш.
5. Марказнинг иш стратегиясини, унинг асосий мақсадларини қайта кўриб чиқиш ва марказнинг ривожланиш парадигмасини такомиллаштириш
6. Кафедралар учун инглиз тилида сўзлашадиган ўқитувчиларни тайёрлашни бошлаш
7. Иккита диплом бериш билан интеграл ва аралаш циклларни жорий этиш орқали халқаро ҳамкорликни кенгайтириш
8. Симуляцион таълимни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш
9. Инновацион ахборот технологияларидан фойдаланиш ва ривожлантиришни кенгайтириш
10. Ҳар бир кафедра учун алоҳида мутахассислар реестрини ишлаб чиқиш
11. Замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда маркетинг, менежмент ва АКТ бўлимининг ишини кўриб чиқиш
12. Тингловчилар қабул қилиш , сертификатлар ва дипломлар бериш учун қулай дастур яратиш ва амалга ошириш
13. Интеграциялашган цикллар учун норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш / республиканинг идоравий ва идоравий бўлмаган муассасалари билан шериклик муносабатларини, шунингдек, давлат-хусусий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш.

II. Кун тартибидаги кейинги масала юзасидан сўз Р.К. Салиходжаевага берилди.

У Ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан 2019-2020 ўқув йилида амалга оширилган ишлар бўйича маълумотнома билан таништирди

**Олимлар кенгаши қарори:**

**Ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан 2019-2020 ўқув йилида амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботи юзасидан қарор қилинди.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелдаги “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4666-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқларига асосан қабул қилинган ТошВМОИ меъёрий ҳужжатлари асосида

ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режалари, “йўл хариталари”нинг ижроси бўйича кафедраларда тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.

3.ТошВМОИнинг факультет, кафедра ва бўлимлардаги ҳужжатлар, зишмалар кафедраларга ўрнатилган баннерларининг сўзсиз давлат тилида (ўзбек) тилида юритилиши,ўқув базалар жойлашган тиббиёт муассасаларнинг биноларидаги атама ва эшик пештоқидаги номлар биринчи навбатда давлат тилида ва заруратдан келиб чиқиб ундан кейин бошқа тилларда ёзилишини таъминлаш.

4.Институтда одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш масалалари, коррупцияга қарши курашиш тўғрисида ходимлар ва курсантлар орасида мунтазам тарғибот ишларини йўлга қўйиш.

5.Ўзбекистон Республикасининг рамзлари, Президент асарлари ва постерлар билан факультет/кафедраларни 2020-2021 ўқув йилида таъминлаш.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги “Тиббий-санитария ва фармацевтика кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини ташкил этиш бўйича меъёрий ҳужжатларни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 160-сонли буйруғи асосида институтнинг меъёрий ҳужжатлари тайёрлаш.

**ТХКМРМ ректори,**

**проф.Х.А.Акилов**

**ТХКМРМ илмий котибаси,**

**доц.М.К.Гулямова**